

**БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БЎЙИЧА ШВЕЙЦАРИЯ ТАЖРИБАСИ**

Фарҳоджон Кубаевич Холмаматов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор

***Аннотация.** Барқарор молиявий тизим ресурсларни самарали тақсимлашга, молиявий рискларни баҳолаш ва бошқаришга, бандлик даражасини иқтисодиётнинг табиий даражасида ушлаб туришга ҳамда пул барқарорлиги ва бандлик даражасига таъсир этувчи реал ва молиявий активлар нархларининг тебранишини бартараф этиш қобилиятига эга. Молиявий тизим барқарорлик шароҳида ташиқи таъсир ёки кўзда тутилмаган ҳолатлар туфайли келиб чиқадиған молиявий тебранишларга бардош бера олади.*

Мазкур мақоладабанк тизими молиявий барқарорлигини таъминлашнинг Швейцария амалиёти тадқиқ қилинған бўлиб, унда молия-банк тизими барқарорлигини таъминловчи масъул ташикилотлар, хусусан, Швейцария Миллий банкининг ваколатлари ва фаолияти таҳлил қилинған.

***Калит сўзлар.** молиявий барқарорлик, банк капитали, банк концентрацияси, банк депозитлари, банк активлари, банк кредитлари, ликвидлилик кўрсаткичлари, активлар рентабеллиги, капитал рентабеллиги.*

Кириш. Молиявий барқарорлик миллий иқтисодиётнинг фаолият юритиши ва пул-кредит сиёсатини самарали амалга оширишни асосий шартидир. Барқарор молиявий тизимни алоҳида таркибий қисмлар - молиявий воситачилар ва молия бозори инфратузилмаси ўз функцияларини бажарадиған ва потенциал зарбаларга чидамли бўлған тизим сифатида таърифланиши мумкин.

Адабиётлар шархи. Миллий банк тўғрисидаги қонунга кўра, Швейцария Миллий банки (ШМБ) молия тизимининг барқарорлигига ҳисса қўшиш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, қонун тизимли аҳамиятга эга молиявий бозор инфратузилмалари устидан назоратни ҳам Миллий банк зиммасига юклайди.

Молиявий барқарорлик соҳасида ШМБ Швейцария молия бозорини назорат қилувчи органи (The Swiss Financial Market Supervisory Authority-FINMA) билан ҳамкорлик қилади. Ўзаро англашув меморандумида икки институтнинг шахсий мажбуриятлари ва уларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги низомлар аниқ тақсимланган.

Таҳлил ва натижалар. ШМБнинг молиявий барқарорликни қўллаб-қувватлаш воситалари қуйидагилардан иборат:

Таҳлил ва тадқиқот: ШМБ молия бозорлари ва уларнинг инфратузилмаси соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилади. Бунда Швейцария банк саноати ва молия бозори инфратузилмаларига алоҳида эътибор қаратади.

Молиявий марказ учун тегишли асос яратиш: Миллий даражада, ШМБ Конфедерация ва Швейцария молия бозорини назорат қилувчи органи билан биргаликда ислоҳот лойиҳаларида иштирок этади. Халқаро миқёсда у доимий равишда Банк назорати бўйича Базель қўмитасида ва Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг (BIS) Тўловлар ва бозор инфратузилмаси бўйича қўмитасида доимий вакиллик қилади ҳамда молиявий барқарорлик масалалари билан шуғулланувчи турли халқаро ишчи гуруҳларда иштирок этади.

Ликвидлилик таъминлашга кўмаклашиш бўйича: ШМБ охириги кредитор сифатида фаолият юритади. Ушбу функцияда, агар маҳаллий банклар бозорда ўз операцияларини қайта молиялаш имконига эга бўлмаса, маълум шароитларда ликвидлиликни таъминлаш бўйича ёрдам кўрсатиши мумкин.

Назорат: ШМБ биринчи навбатда Швейцария молия тизимининг барқарорлиги учун муҳим бўлган тизимларга эътибор қаратади, молиявий бозор инфратузилмаларини барқарор ишлаши ва уларни самарали назорат қилиш учун жавобгардир. Швейцариянинг банк сектори назорати Швейцария молия бозорини назорат қилиш органи (FINMA) зиммасига юклатилган.

Швейцариядаги банклар ҳажми, бизнес йўналиши, фаолиятнинг географик кўлами ва ҳуқуқий шакли бўйича сезиларли даражада фарқланади. Швейцария банк секторининг барқарорлигини баҳолаш учун Швейцария Миллий банки (ШМБ) асосан йирик банклар (Credit Suisse ва UBS) ва маҳаллий тижорат банкларига эътибор қаратади. Иккинчи тоифага умумий активларда ички кредитларнинг улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган тижорат банклари киради.

Швейцарияда банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат “Банклар ва жамғарма кассалари тўғрисида” ги Федерал қонун ҳисобланади. Банкларнинг капитали, ликвидлиги, рискларни диверсификация қилиш ва бошқариш шартлари ва қоидалари батафсил ушбу қонунда ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашда халқаро нормалар ва шартномаларни ҳам ҳисобга олади. Мисол учун, банк капитали етарлилиги бўйича Базель қўмитаси талаблари миллий қонунчиликка сингдирилган.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат доирасида ШМБга иккита муҳим йўналиш бўйича аниқ вазифалар бириктирилган: қонунга асосан Швейцария учун тизимли аҳамиятга эга бўлган банкларга нисбатан қўшимча талаблар, хусусан, махсус капитал, ликвидлик ва ташкилий талаблар белгиланиши лозим. ШМБ тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар бўйича мезонларни ишлаб чиқиш ва уларнинг тизимли муҳим функцияларини аниқлаш учун жавобгар ҳисобланади.

Бундан ташқари, меъёрий-ҳуқуқий база Швейцариянинг кредитлаш бозорида молиявий барқарорликка тегишли рисклар юзага келган тақдирда

капиталга бўлган талаблар вақтинча оширилиши тартибини ҳам назарда тутди. Ушбу контрциклик капитал буферини ташкил этиш, унинг даражаларини аниқлаш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Федерал Кенгаш томонидан қабул қилинади. ШМБ Федерал Кенгашга ўз таклифини киритишдан олдин FINMA билан маслаҳатлашади. Швейцария молия бозорини назорат қилиш органи (FINMA) банк лицензияларини беради ва банкларни назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади. FINMA ва ШМБ ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро англашув меморандуми билан тартибга солинади.

“Банклар ва жамғарма кассалари тўғрисида” Федерал қонунига бўйсунадиган молиявий воситачилар ўзларининг баланси, даромадлари тўғрисидаги ҳисоботи, капитали ва ликвидлиги тўғрисидаги маълумотларни ШМБга тақдим этишлари шарт. ШМБ маълумотларни жамланган шаклда, яъни банк тоифалари бўйича - Швейцариядаги банклар статистик йилномасида ва Ойлик банк статистикаси нашрлари тўпламида эълон қилади. Швейцария банк секторининг ҳолати ва барқарорлиги таҳлили ШМБнинг йиллик молиявий барқарорлик ҳисоботида эълон қилинади.

Молия тизими, агар унинг алоҳида таркибий қисмлари – банклар, молия бозорлари ва молия бозори инфратузилмалари ўзларининг индивидуал функцияларини бажарса ва юзага келиши мумкин бўлган салбий зарбаларга чидамли бўлса, барқарор ҳисобланади. Молиявий барқарорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартидир. Ўз пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун ШМБ ҳам молиявий бозорларнинг яхши ишлашига боғлиқ.

Миллий банк тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Швейцария Миллий банки молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. У молиявий тизим учун хавфли манбаларини таҳлил қилиш ва чора кўриш зарур бўлган соҳаларни аниқлаш орқали ушбу вазифани бажаради. ШМБ халқаро миқёсда, хусусан, Базель қўмитасининг молия

маркази учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари муносабати билан ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, Миллий банк тизимли аҳамиятга эга бўлган банкларни белгилайди ва макропруденциал соҳада вазифаларни бажаради. Шунингдек, у молиявий барқарорлик учун хавф туғдириши мумкин бўлган тизимли муҳим молиявий бозор инфратузилмаларини назорат қилади. Инкироз шароитида ШМБ зарурат туғилганда охириги чора сифатида қарз берувчи сифатида ўз мандатини бажаради. Бироқ, ШМБ банк назорати учун жавобгар эмас. Бу ваколат Швейцария молия бозорини назорат қилиш органига тегишли.

1-жадвал.

Швейцария банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари¹, (йил бошига)

Банк тизими барқарорлик кўрсаткичлари	2018	2019	2020	2021	2022
Энг йирик 5 та банк активлари жамланмаси, %	84,3	84,4	84,3	84,0	84,2
Банк капиталининг умумий активларга нисбати (%)	8,0	8,3	8,6	8,1	8,2
Банк концентрацияси (%)	67,1	66,8	66,7	65,7	65,6
Банк харажатларининг даромадга нисбати (%)	82,1	81,0	118,2	75,8	94,5
Банк соф фоиз маржаси (%)	0,9	0,7	0,8	0,8	0,8
Банк фоизсиз даромадларининг жами даромадлардаги улуши (%)	66,3	69,8	68,6	71,3	71,0
Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши (%)	0,6	0,7	0,6	0,7	..
Банк жами харажатларининг жами активларга нисбати (%)	1,9	1,7	2,4	1,7	2,0

¹ <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/global-financial-development/series/GFDD.EI.06>

Банк регулятив капиталининг рискка тортилган активларга нисбати (%)	18,6	18,6	19,3	19,7	..
Банк активлари рентабеллиги (%)	0,4	0,4	-0,2	0,4	0,1
Банк капитал рентабеллиги (%)	4,6	4,1	-2,4	5,9	1,3

Ушбу жадвалдан Швейцария банк тизими барқарорлик даражасини таҳлил қиладиган бўлган, охириги беш йилда барқарорлик пасайганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, банк активлари рентабеллиги 0,3 фоиз пунктга пасайган ва 0,1 фоизни, капитал рентабеллиги эса 4,6 фоиз пунктга пасайиб 1,3 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида банк харажатлари ошган.

АҚШ банк тизимидаги даҳшатлар Швейцариянинг етакчи банкларидан бирининг ўзининг анъанавий рақиби, UBS томонидан сотиб олиниши билан Европага ҳам етиб келди. Credit Suisseнинг муваффақиятсизликка учраш сабаблари Silicon Valley Bank никидан фарқ қилади, аммо келажакда банк бошқарувига янада кўпроқ таъсир қилиши мумкин. Credit Suisse банкининг муваффақиятсизликка учраши 2007-2009 йилларда рўй берган глобал молиявий инқироздан сўнг рўй берган энг йирик ҳолатлардан бири бўлди. Банкнинг кулаши Швейцария ҳокимиятига ҳам бундай воқеани эплай олиш қобилиятининг синови бўлди. Credit Suisseнинг UBS билан бирлашиши норматив ислохотларнинг мустаҳкамлиги ва Швейцария банк секторининг олдинга бораётган тузилиши тўғрисида саволларни пайдо қилади.

2007 йилда ўзининг энг юқори қийматида Credit Suisse қиймати 100 миллиард Швейцария франки (CHF)га тенг эди. 2023 йил 19 март куни UBS уни бор йўғи 3 миллиард франкка сотиб олишга рози бўлди. Бу 1850 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Швейцария иқтисодиётининг пойдеворларидан бири сифатида кўриладиган муассаса учун аянчли ҳолат эди. Банкларнинг муваффақиятсизликка учраши кўпинча рискларни нотўғри ҳисоблашдан келиб чиқади.

2022 йил октябрида йирик инвестиция банки “қулаш арафасида” эканлиги ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади. Ундан кейин 100 миллиард франкдан ортиқ депозит маблағларини қайтариб олиниши банк акциялари нархининг пасайиши олиб келди.



1-расм. Credit Suisse ва UBS банклари акциялари нархининг ўзгариши динамикаси²

2023 йил 14 март куни эълон қилган ҳисоботида Credit Suisse “ресурслар етишмаслигини” ҳақида эълон қилди. Credit Suisse банкининг энг йирик акциядорларидан бири Саудия Марказий Банки банкка ортиқча инвестиция қилмаслигини эъон қилгандан сўнг банкнинг депозит базаси зудлик билан камайди ва банк акциялари нархи тушиб кетди.

15 март куни Швейцария Миллий банки Credit Suisse ликвидлилигини таъминлаш учун 50 миллиард франк ажратиш орқали инвесторларни ишончини қозонишга ҳаракат қилди. Аммо бу орқали ижобий натижаларга эриши олмади.

² <https://www.economicsobservatory.com/why-did-credit-suisse-fail-and-what-does-it-mean-for-banking-regulation>

Молиявий барқарорлиги ёмонлашаётган банк ҳолатида тўртта вариант мавжуд эди.

Биринчиси, банкротликни эълон қилиш ва қонунчилик асосида банкни тугатиш. Бу вариант йирик, халқаро аҳамиятга эга бўлган ва ўзаро боғлиқ банклар учун тўғри вариант эмас эди. Сабаби, мазкур жараён жуда узоқ давом этиши ва кўплаб ноаниқлик келтириб чиқариши аниқ эди.

Иккинчи вариант банк назорати регулятори жараёни ўз назоратига олади, қисқа вақт давомида турли банк структураларини ва таъсир этувчи ҳамда юмшатувчи омилларни ўрганиб чиқиши керак бўлади. Бу мураккаб жараён ҳисобланиб, регулятор кенг молиявий тизимда чакана банк ва бошқа асосий хизматлари давомийлигини таъминлаши керак.

Учинчи вариант – банкни миллийлаштириш. Бу ҳолда давлат банкнинг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Бу вариант глобал молиявий инқироз пайтида қисман амалда бўлди, чунки UBS банки давлат маблағлари ҳисобидан банкротликдан сақлаб қолинган эди.

Тўртинчи вариант – UBS банки билан бирлашиш. Мазкур вариант энг мақбул деб ҳисобланди ва уларни бирлаштиришга қарор қабул қилди.

Credit Suisse акциядорларига 3 миллиард Швейцария франки тўлаб берилди, бу якуний акциялар нархига қараганда арзон бўлиб, тахминан 7,4 миллиард франкка баҳоланганди. Бир йил олдин унинг қиймати 20 миллиард франк атрофида эди. Шу билан бирга, UBS банкига ҳукумат томонидан молиявий кафолатлар тақдим этилди. Келишув шартларидан бири сифатида UBS банки Швейцария Миллий банкидан яна 100 миллиард франк олишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, Швейцария ҳукумати 9 миллиард франк зарарни қоплаб берган.

UBS ҳам, Credit Suisse ҳам “глобал тизимли аҳамиятга молик банклар” ҳисобланади. Базель 3 талабларига асосан бундай банклар йўқотишларга қарши қўшимча капитал буфери ташкил этиши шарт ҳисобланади. Умуман олганда, асосий хавотир шундаки, ушбу бирлашишга кўмаклашиш орқали Швейцария ҳокимияти нафақат

“муваффақиятсизликка учраш учун жуда катта”, балки “қутқариш учун жуда катта” бўлган институтни яратди.

Хулоса

Миллий банк тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Швейцария Миллий банки молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. У молиявий тизим учун хавф манбаларини таҳлил қилиш ва чора кўриш зарур бўлган соҳаларни аниқлаш орқали ушбу вазифани бажаради. Швейцарияда банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат “Банклар ва жамғарма кассалари тўғрисида” ги Федерал қонун ҳисобланади. Банкларнинг капитали, ликвидлилиги, рискларни диверсификация қилиш ва бошқариш шартлари ва қоидалари батафсил ушбу қонунда ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашда халқаро нормалар ва шартномаларни ҳам ҳисобга олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Boyd, John, and David Runkle. 1993. “Size and Performance of Banking Firms: Testing the Predictions of Theory” *Journal of Monetary Economics* 31: 47–67.
2. Demirgüç-Kunt, Asli, Enrica Detragiache, and Thierry Tressel. 2008. “Banking on the Principles: Compliance with Basel Core Principles and Bank Soundness”, *Journal of Financial Intermediation* 17(4): 511–42.
3. Edwin G Dolan. *Journal of Comparative Economics*, Volume 2, Issue 4, December 1978, Pages 407-408
4. Холмаматов, Ф. К. (2024). БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Journal of new century innovations*, 50(3), 56-64.

5. Холмаматов, Ф. К. (2019). Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И. ф. б. ф. д. дисс. автореф. И. ф. б. ф. д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.—Тошкент.

6. Холмаматов, Ф. К. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини ошириш йўллари. И. ф. д. дисс. автореф. И. ф. д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.—Тошкент.

7. Frederic S. Mishkin (2016) “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition.

8. <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/global-financial-development/series/GFDD.EI.06>

9. Laeven, L., & Majnoni, G. (2003). Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178–197.

10. Холмаматов, Ф. К. (2024). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 5(1), 375-382.